

**Низоларни ҳал қилиш бўйича якуний ҳисобот
ХМКнинг “Indorama Kokand Textile” ва
“Hamkorbank” даги инвестициялари билан боғлиқ шакоят**

2024 ноябрь

ШАРҲ

2016 йилнинг июнь ойида CAO ташкилотига Ўзбекистон пахта саноатида ХМКнинг икки мижози — “Indorama Kokand Textile” ва “Hamkorbank” компаниялари билан боғлиқ бўлган мажбурий ва болалар меҳнати муаммолари бўйича шакоят келиб тушди.¹ Шакоят бир гуруҳ ноҳукумат ташкилотлари (НТ)² томонидан ўзбекистонлик бир неча ҳуқуқ ҳимоячилари ва пахта далаларидаги мажбурий меҳнат қурбонлари (“Шакоятчилар”) номидан берилди. Ариза берувчилар “Indorama”нинг таъминот занжирида мажбурий ва болалар меҳнати мавжудлиги ва “Hamkorbank” ўзи молиялаштираётган компанияларнинг пахта секторида мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланмаслигини таъминлаш учун тегишли текширувлар ўтказмаганлигидан хавотир билдирганлар.

CAO шакоятни баҳолаши пайтида Шакоятчилар, “Indorama” ва “Hamkorbank” (“Томонлар”) CAO ташкил этган низоларни ҳал қилиш жараёнида иштирок этишдан манфаатдорлигини билдирдилар. Низоларни ҳал этиш босқичида Шакоятчилар Медиацияга оид гуруҳ (“МГ”)га бирлашишди ва иккита алоҳида: бири “Hamkorbank” билан, иккинчиси эса “Indorama” билан медиация жараёнини ташкил этишга қарор қилишди:

“Hamkorbank” билан медиация жараёнида Томонлар МГ томонидан “Hamkorbank” фаолиятида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш эҳтимоли бўйича мониторинг ўтказиш тўғрисида келишиб олдилар. МГ мониторинг давомида мониторинг ўтказилган ҳудудларда “Hamkorbank” ходимларининг 2019 йилда пахта йўғим-теримига бевосита мажбурлаш ёки билвосита иштирок этиш ҳолатлари бўлмаганини аниқлади. Шундан сўнг Томонлар масалалар ҳал қилинганига келишиб олдилар ва CAO 2020 йилда ишнинг ушбу тарафини ёпди.

“Indorama” билан медиация мажбурий ва болалар меҳнати ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ масалаларга, шу жумладан “Indorama” пахтани сотиб оладиган далаларда мажбурий ва болалар меҳнати мавжудлигини мониторинг қилишга қаратилган. МГ

¹Шакоятни бериш пайтида CAO уни қуйидаги ХМК лойиҳаларига нисбатан мақбул деб топди: 38266 (дастлаб 36098, 2021 йилда ёпилган); 27615; 30893, 32024 ва 36170 (ҳуқуқлар масалалари, ошкор қилинмайди), 33596 ва 30657 (савдо операцияларини молиялаштириш, ошкор қилинмайди). Маълумот олиш учун ХМК ахборот порталига қаранг: <https://disclosures.ifc.org>

²Ушбу НТлар қаторига қуйидагилар киради: Меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро форуми (ILRF), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон — Германия форуми (UGF), Human Rights Watch ва Cotton Campaign.

томонидан 2021 йилда пахта йиғим-терими даврида ўтказилган мониторинг тадбирда қамраб олинган майдонларда мажбурий ёки болалар меҳнатидан тизимли фойдаланилишини аниқламади. Томонлар 2022 йилнинг август ойида якуний келишув битимини имзоладилар ҳамда 2022 ва 2023 йилларда пахта йиғим-терими даврида далалардаги меҳнат шароитларини мониторинг қилиш ва яхшилаш бўйича биргаликда ишларни давом эттирдилар. Улар 2024 йилнинг март ойида келишувнинг муваффақиятли бажарилганини тасдиқладилар ва натижада CAOнинг иштироки ва иш ёпилди.

Ушбу якуний ҳисоботда CAO мазкур иш доирасида ўтказган баҳолаш ва низоларни ҳал қилиш ишлари жараёни ҳужжатлар билан тасдиқланган ва натижалардан олинган айрим мулоҳазалар ва сабоқлар баён этилган.

Маълумотлар

Лойиҳалар

ХМКнинг “Indorama Kokand Textile” (“Indorama”) билан лойиҳаси

Шикоят бериш пайтигача ХМК “Indorama”га 40 миллион АҚШ долларигача бўлган А кредити шаклида фаол сармоя киритган. ХМКнинг баёнотида кўра, инвестицияларнинг мақсади **ИКТ**га Ўзбекистонда ўз қувватларини кенгайтириш, маҳаллий пахта иплари экспортини, шунингдек, маҳаллий тўқув ва трикотаж саноати учун юқори сифатли хом ашё етказиб беришни кўпайтиришдан иборат бўлган. Лойиҳа ХМК Директорлар кенгаши томонидан 2015 йилнинг декабрь ойида маъқулланиб, 2016 йилнинг май ойида тўлиқ қиймати ўзлаштирилган.

Шикоят берилгандан сўнг ХМК “Барқарор пахта таъминоти занжирини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон пахта секторига консалтинг хизматларини кўрсатишни ҳам бошлади.³ Лойиҳанинг мақсади пахта секторидида мажбурий меҳнат хавфини камайтириш учун бозор ва талабга асосланган рағбатлантирувчи барқарор пахта етиштириш стандартлари тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали Ўзбекистонда пахтачилик амалиётини такомиллаштиришдан иборат эди. Лойиҳани амалга оширишда ХМК Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фермерлар уюшмаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва ўз миждози — “Indorama” билан ҳамкорлик қилди.

ХМКнинг “Hamkorbank” билан лойиҳалари

Шикоят берилиши пайтига қадар ХМК “Hamkorbank” билан етти фаол лойиҳага эга бўлиб, булар акциядорлик капиталига инвестициялар ва кредит активларининг бирикуви, шунингдек, Глобал савдони молиялаштириш дастури (GTFP) эди. “Hamkorbank” дастлаб

³ХМК лойиҳа рақами 601530. Қўшимча маълумот учун қаранг: <https://disclosures.ifc.org>.

вилоят банк сифатида ташкил этилган ва микро, кичик ва ўрта бизнес (МКЎБ)га қарзлар, истеъмол кредитлари ва лизинг маҳсулотларини таклиф қилувчи умуммиллий молия институтига айлантирилган. Банк акциялари “Тошкент” фонд биржасида сотилади. ХМКнинг акциядорлик капиталига инвестициялар “Hamkorbank”нинг ресурс базасини кенгайтиришга, хусусан, Ўзбекистондаги микро ва кичик тадбиркорларга, шунингдек, “Hamkorbank” стратегиясини қўллаб-қувватлаш ва уни кенгайтиришга кўмаклашишга қаратилган эди. Кредит қисми, шунингдек, “Hamkorbank”нинг МКЎКни кредитлаш дастурини чекка ҳудудларга йўналтирилган ҳолда кенгайтиришга ёрдам бериб, бу ХМКнинг Ўзбекистондаги молия бозорлари соҳасидаги стратегиясига мос келади. Ва ниҳоят, ХМКнинг Глобал савдони молиялаштириш дастури (GTFP) “Hamkorbank”нинг алоҳида экспорт ва импорт операцияларини қўллаб-қувватлади.

Шикоят

2016 йилнинг июнида CAOга: тўртта шикоятчи номидан тўртта НТ — Меҳнат ҳуқуқлари бўйича халқаро форум (ILRF), Ўзбекистон — Германия инсон ҳуқуқлари форуми (UGF), Human Rights Watch ва Cotton Campaign; фаолияти Ўзбекистонда пахта йиғим-терими пайтида мажбурий ва болалар меҳнати хавфига қарши курашишга қаратилган учта ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячиси, ва бир неча бор пахта теришга мажбур бўлганини хабар қилган битта ишчидан ХМКнинг Ўзбекистондаги бир неча лойиҳалари билан боғлиқ бўлган шикоят келиб тушди. Бошқа ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари кейинроқ шикоятга ўз номларини расман қўшдилар. CAO шикоят ХМКнинг иккита мижози: “Indorama Kokand Textile” (“Indorama”) ва “Hamkorbank” га нисбатан кўриб чиқиш талабларига жавоб беришини аниқлади.

Шикоятда “Indorama”нинг таъминот занжирида мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланиш, шунингдек, “Hamkorbank” фаолияти мажбурий ёки болалар меҳнатини қўллаб-қувватлашга ва бу билан боғлиқ меҳнат шароитларининг мустақил мониторингларига тегишли ҳужумларга ҳисса қўшиши мумкинлиги ҳақидаги хавотирларни келтириб чиқарди. Шикоятда, шунингдек, ХМКнинг “Hamkorbank”га инвестициялари пахта секторида мажбурий меҳнатдан фойдаланадиган ёки ундан фойда кўрадиган компанияларни молиялаштириши мумкинлиги ва ХМК тегишли эҳтиёкорлик ва назоратни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларни бажармаганлиги айтилган.

Шикоятни баҳолаш

Шикоятни мақбул деб топган ҳолда CAO мақсади шикоятчилар томонидан кўтарилган масалалар ва ташвишларни аниқлаштириш, шунингдек, турли манфаатдор томонларнинг фикрлари тўғрисида маълумот тўплашдан иборат бўлган баҳолашни бошлади. Баҳолаш жараёнида, шунингдек, Томонлар низоларни ҳал қилиш жараёнини давом эттиришни ёки ХМКнинг экологик ва ижтимоий кўрсаткичларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини кўриб чиқишни бошлашни исташи ёки истамаслигини аниқланди.

CAO баҳолаш жараёни қуйидаги тадбирларни ўз ичига олди:

- Шикоятчилар, Ўзбекистон ҳуқуқ ҳимоячилари, давлат хизматчилари, пахта терувчилар, шикоятни қўллаб-қувватловчи ноҳукумат ташкилотлари ва тахмин қилинган мажбурий меҳнат қурбонлари билан юзма-юз учрашувлар;
- ХМК лойиҳа ҳужжатларини кабинетда таҳлил қилиш ва “Indorama” ва “Hamkorbank” учун ХМК лойиҳа гуруҳлари, шунингдек “Барқарор пахта таъминоти занжирини ривожлантириш” лойиҳаси устида иш олиб бораётган ХМК консалтинг хизматлари гуруҳи билан телефон орқали суҳбатлар ўтказиш;
- Тошкентдаги ХМК раҳбарияти билан телефон орқали мулоқот ва шахсий учрашувлар ҳамда ХМКнинг Қўқондаги шахридаги тўқимачилик фабрикасига ташриф;
- “Hamkorbank”нинг Андижон шахридаги бош офисига икки марта ташриф; ва
- Жаҳон банки, “Hamkorbank”нинг лойиҳалари билан шуғулланган Германия инвестиция ва тараққиёт корпорацияси (DEG) ва Нидерландия тараққиётни молиялаштири компанияси (FMO)нинг лойиҳа жамоалари, Ўзбекистон ҳукумати, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмаси вакиллари, Халқаро меҳнат ташкилоти ва АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси вакиллари билан учрашувлар.

Баҳолаш жараёнида Шикоятчилар пахта секторида мажбурий ва болалар меҳнатига қарши курашишга қаратилган фаолияти муносабати билан баъзилари таҳдид, жисмоний зўравонликларга дучор бўлганлиги ва мамлакатдан чиқариб юборилганлиги ҳақида маълум қилишди. Улар 2016 йилнинг декабрь ойида Президент Мирзиёев сайланганидан сўнг Ўзбекистонда умумий сиёсий вазият ўзгаргани, янги ҳукумат мажбурий ва болалар меҳнати муаммоларини ҳал этишга ваъда берганини таъкидладилар.

“Indorama” CAOга ХМК фаолияти стандартларига риоя қилиш учун компания мажбурий ёки болалар меҳнати ёрдамида йиғилган пахтани етказиб бериш хавфини камайтириш чораларини кўрганлигини тушунтирди. “Indorama”, шунингдек, мажбурий ва болалар меҳнати бўйича сиёсат ишлаб чиқди ва CAOга тегишли чораларни кўриш учун “Indorama”нинг таъминот занжирида мажбурий ёки болалар меҳнати далиллари бўлган ҳар бир киши билан суҳбатлашишга очиқлигини маълум қилди. “Indorama” вақти-вақти билан халқаро стандартларга риоя қилинишини текшириш учун ўз корхоналарида учинчи томон ўтказадиган кадрлар текширувини ташкил этишини айтди.

“Hamkorbank” банкда ХМК қоидалари талабига биноан экологик ва ижтимоий бошқарув тизими (ESMS) амал қилишини таъкидлади. Банк 2017 йилда унинг Кенгаши ўзининг барча филиалларига хат юбориб, унда филиал ходимларининг пахта териш учун мажбурий меҳнатига йўл қўйилмаслиги ва агар “Hamkorbank” ходимларининг мажбурий меҳнатга жалб этилгани фактлари аниқланса, филиал раҳбарларига нисбатан қатъий интизомий чоралар кўрилишини таъкидланганини маълум қилди. “Hamkorbank” янги ҳукумат

қарорлари ва режалари туфайли пахтачилик соҳасида ижобий ўзгаришларни кутаётганини билдирди.

CAOнинг баҳолаш босқичида “Indorama”, “Hamkorbank” ва Шикоятчилар (битта Шикоятчидан ташқари) шикоятда кўтарилган масалаларни низоларни ҳал қилиш жараёни орқали ҳал қилиш қарорига келишди.

Шу вақтда CAO жамоаси CAO низоларини ҳал қилиш жараёнининг мақсадларини тушунтириш ва қўллаб-қувватлашга эга бўлиш учун яна Ўзбекистон ҳукумати билан боғланди. Ҳукумат 2017 йилнинг октябрь ойида ёзма ифодаланган ўз қувватловини расман тақдим этди.⁴

2018 йилнинг март ойида CAO ҳар бир томоннинг фикрлари ва баҳолаш натижаларини умумлаштирган баҳолаш ҳисоботини эълон қилди.⁵ А иловасида CAOнинг шикоятлар кўриб чиқиш жараёнининг умумлаштирувчи қисқача маълумот келтирилган.

Низоларни ҳал қилиш жараёни

Шикоятчилар

Мулоқот жараёнида иштирок этишга таклиф қилинган Шикоятчилар (Елена Урлаева, Хаитбай Ёқубов, Ўктам Пардаев, Суръат Икромов, Арсланбай Оттепов, Дмитрий Тихонов ва Азимбай Отаниязов ва Малоҳат Эшонқулова) ва маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячилари (Шухрат Ғаниев, Гулнора Файзиева, Рухиддин Комилов ва Зоҳиджон Зокиров) “Медиацияга оид гуруҳ” (МГ)га аъзо бўлишди. Кейинчалик уларга Мансурбек Ёқубов қўшилди.

Шикоятчилар гуруҳи ва уларнинг иштирок даражаси низоларни ҳал қилиш жараёнида ўзгариб турди. 2019 йилда учта Шикоятчи (Дмитрий Тихонов, Малоҳат Эшонқулова ва Азимбай Отаниязов) МГни тарк этишди. Ушбу кичик гуруҳ “Indorama” ва “Hamkorbank” билан низоларни ҳал қилиш жараёнида, аммо ГМдан алоҳида ҳолда, иштирок этишга қизиқиш билдирди. 2021 йилда Дмитрий Тихонов энди бу жараёнда иштирок этишни хоҳламаслигини эълон қилди ва жараёндан чиқди. CAO Малоҳат Эшонқулова ва Азимбай Отаниязов ҳамда барча манфаатдор томонлар билан уларнинг низоларни ҳал этиш жараёнида иштирок этиши бўйича музокараларни давом эттирди. Яқунда Малоҳат Эшонқулова 2019 йилда мамлакатдан чиқариб юборилгани учун бу жараёнда иштирок эта олмади. Унинг иш бўйича фикри ушбу ҳисоботда акс эттирилган (В иловага қаранг).

⁴CAO низоларини ҳал қилиш жараёнларининг асосий иштирокчилари мижозлар ва хусусий секторнинг Шикоятчилари эканлиги инobatга олинган ҳолда, CAO низоларини ҳал қилиш амалиётига ҳукуматлардан CAO низоларини ҳал қилиш жараёнларини қўллаб-қувватлашни автоматик равишда сўраш кирмайди. Бироқ бу ҳолатда ҳукумат пахтачилик соҳасидаги фаол иштироки ҳисобга олинган ҳолда жуда муҳим манфаатдор томон ҳисобланар эди. Бундан ташқари, Шикоятчилар жараёнда иштирок этганлик учун таҳдид ва таъқиблардан кўрқишларини билдирдилар. Шу сабабли CAO ушбу контекстда ҳукуматнинг жараёни қўллаб-қувватлашини таъминлаш жуда муҳим деган қарорга келди.

⁵ CAO баҳолаш бўйича ҳисоботи, 2018 йил, март.

Азимбай Атаниязов “Indorama” билан эришилган келишувларга мувофиқ МГ томонидан ўтказилган айрим тадбирларда қатнашган, лекин у ҳеч қачон МГга расман қўшилмаган. Шикоятчилардан иккитаси — Суръат Икромов ва Хаитбай Ёқубов 2021 йилда вафот этишди.⁶

Шикоятни қўллаб-қувватлаган НТлар низоларни ҳал қилиш жараёнида фаол иштирок этмади.

Томонларни мулоқотга тайёрлаш

2017 йилнинг охири ва 2018 йилнинг бошларида CAO жамоаси Томонларни мулоқот жараёнига тайёрлаш мақсадида “Indorama”, “Hamkorbank” ва МГ билан салоҳиятни ошириш бўйича алоҳида ва қўшма тадбирларни ўтказди. Салоҳиятни ошириш бўйича тадбирлар ишончни мустаҳкамлаш, низоларни ҳал қилиш, мулоқотлар, Томонлар, маслаҳатчилар ва кузатувчиларнинг мулоқот жараёнидаги роли, шунингдек, CAO доирасидаги низоларини ҳал қилиш жараёнида қўйилган қадамлар бўйича ўқишни ўз ичига олган. МГ аъзолари, шунингдек, оммавий нотикликка, оммавий ахборот воситалари билан мулоқотга ва коммуникени тайёрлашга ҳозирлик кўришга ёрдам берган журналист томонидан ўтказилган алоҳида икки кунлик тренингда қатнашдилар. Тренинг тинчликни мустаҳкамлашда роль ўйнайдиган ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш бўйича хизматлар кўрсатадиган Швейцариянинг “PeaceNexus” хусусий жамғармаси томонидан молиялаштирилди.⁷

ХМКнинг “Indorama” ва “Hamkorbank” масалалари бўйича лойиҳа гуруҳлари ҳам салоҳиятни ошириш бўйича баъзи сессияларда қатнашдилар. 2019 йилнинг апрель ойидан кейин ХМК CAOга энди бу жараёнда бевосита иштирок эта олмаслигини маълум қилди, аммо шундан сўнг улар CAO жамоаси билан очиқ алоқа линияларини сақлаб қолишди.

ХМКнинг икки миждози билан боғлиқ масалалар бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли, Томонлар “Indorama” ва “Hamkorbank” учун низоларни ҳал қилишнинг иккита алоҳида жараёнини тегишли тарзда ташкил этишга қарор қилишди.

⁶ Қаранг. <https://www.cao-ombudsman.org/news/honoring-contributions-activists>

⁷ Қаранг. [peacenexus.org/about/](https://www.peacenexus.org/about/)



2017 йилда салоҳиятни ошириш бўйича умумий тренинг давомидаги қўшма дарслар
(Фотосурат: CAO)

“Hamkorbank” билан мулоқот жараёни

2018 йил январь ойида CAO томонлар шикоят масалалари бўйича шахсан фикр алмашишлари учун “Hamkorbank” ва МГ ўртасида биринчи қўшма ахборот учрашувини ташкил қилди. “Hamkorbank” вакилларида бирининг сўзларига кўра, "дастлаб орамизда қарама-қаршилик мавжуд бўлиб, биз ҳуқуқ ҳимоячиларимиз нимани хоҳлашни тушунмаганмиз, қандай ҳаракат қилишни билмасдик". CAO динамикани ўзгартириш ва фаол тинглаш, ўзаро тушуниш ва қўшма ечимларга урғу берган ҳолда конструктив мулоқотни ривожлантириш учун томонлар билан интенсив ишлашига тўғри келди. 2019 йил июль ойида МГ ва “Hamkorbank” мулоқотнинг асосий қоидаларини келишиб олдилар⁸, 2019 йил октябрда эса “Hamkorbank” фаолиятида рўй бериши мумкин бўлган мажбурий меҳнат (яъни “Hamkorbank” ходимларининг пахта йиғим-теримида мажбурий иштироки)ни аниқлаш билан боғлиқ дастлабки келишувга эришдилар.

Томонлар ушбу шартномани "Доиравий шартнома" деб аташди. CAOда бундай турдаги келишув одатда "Асосий қоидалар ва доиравий шартнома" деб номланади. Дастлабки шартномага мувофиқ, МГ 2019 йил октябрь — декабрь ойларида “Hamkorbank” ходимларининг мажбурий меҳнати (бевосита ва билвосита иштирок этиш) ҳолатларини мониторинг қилди. МГ, шунингдек, мажбурий меҳнат билан боғлиқ шикоятларни қабул қилиш

⁸ Томонлар ушбу шартномани "Доиравий шартнома" деб аташди. CAOда бундай турдаги келишув одатда "Асосий қоидалар ва доиравий шартнома" деб номланади.

ва улар бўйича чоралар кўриш учун “Hamkorbank” шикоят механизмининг самарадорлигини муваффақиятли синаб кўришга муваффақ бўлди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида МГ мониторинг олиб борилган ҳудудларда 2019 йилда пахта йиғим-терими пайтида “Hamkorbank” ходимларининг мажбурий меҳнати ҳолатлари аниқланмаганлигини тасдиқлади. Кейин МГ мониторинг натижаларидан мамнун эканлигини ва “Hamkorbank” билан боғлиқ муаммолар бартараф этилган деб ҳисоблашни билдирди. Шу сабабли ишнинг ушбу қисми CAO томонидан 2020 йил июль ойида ёпилди.



“Indorama” билан мулоқот жараёни

2018 ва 2019 йилларда CAO “Indorama” ва МГ ўртасида бир нечта учрашувларни ташкил қилди. Ўша пайтда МГ ўз олдида пахта далаларида мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланишига МГ аъзолари гувоҳ бўлгани ёки бу ҳақида маълумот олгани тўғрисида “Indorama”ни хабардор қилиш вазифасини қўйган эди. “Indorama” компанияси МГ вазиятни ўзгартириш нуқтаи назаридан қандай чекловларга дуч келаётганини тушунишни истагани, аммо пахта етказиб бериладиган далалардаги вазият ҳақида кўпроқ маълумот олишга қизиқиш билдирди. МГ ёрдам беришга тайёр эди, аммо “Indorama” билан ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган тадбирларга маблағи йўқ эди. 2019 йилнинг сентябрь ойида CAO томонларнинг “PeaceNexus” билан учрашувини ташкил қилди. Улар жамғармадан мулоқот жараёнини қўллаб-қувватлашни сўрашди ва “PeaceNexus” рози бўлди.

2020 йилнинг ноябр ойида молиялаштиришдан сўнг томонлар МГ томонидан 2020 йилда пахта йиғим-терими пайтида қуйидаги ҳаракатларни назарда тутувчи Даствлабки келишувни имзоладилар: “Indorama” пахта сотиб оладиган далаларда пахта йиғим-теримини мустақил мониторинг қилиш; мажбурий меҳнат ҳақида келиб тушган маълумотлар ва/ёки шикоятларни кўриб чиқиш учун қайта алоқа механизмини яратиш; “Indorama” таъминот занжиридаги пахтачилик ҳудудларида мажбурий меҳнат тўғрисида хабардорликни ошириш.



МГ аъзолари 2017 йил декабр ойида Қўқондаги “Indorama” заводига ташриф буюришди (Фотосурат: CAO).

2020 йилда пахта йиғим-терими мониторинги:

2020 йилда пахта йиғим-терими пайтида МГ “Indorama” компанияси учун пахта йиғим-терими билан шуғулланадиган ишчилар ва пудратчиларни ёллаш тартибини таҳлил қилди. Улар 100 нафар пахта теримчилари билан телефон орқали суҳбатлар ўтказдилар ва пахта теримчилари, теримчиларнинг раҳбарлари ва “Indorama” ходимларининг шикоятларини рўйхатдан ўтказиш учун ташкил этилган қайта алоқа механизмини кузатдилар. Шунингдек, улар терилган пахтанинг умумий миқдорини маҳаллий пудратчилар сони билан солиштириш ва ишчиларни пахта теришга мажбур қилиш аломатларини аниқлаш мақсадида пахта йиғим-терими маълумотларини таҳлил қилишди.

Мониторингдан сўнг МГ “Indorama” учун ўз хулосаларини баён қилган ҳисоботни тайёрлади. Ҳисоботда пахта йиғим-теримида биронта мажбурлаш ҳолати қайд этилмаган. Бироқ МГ

далалардаги иш шароитларидан хавотирини билдирди ва ҳисоботда “Indorama”га ушбу соҳадаги процедураларни яхшилаш бўйича тавсиялар берилди. Хусусан, ҳисоботда қуйидаги бешта тавсия мавжуд эди: i) 3 ва 4-класс кимёвий моддалари билан ишлов берилган далаларда қўлда йиғим-теримни камайтириш ва керак бўлганда пахта терувчиларни тегишли шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ) билан таъминлаш; (ii) пахта теримчиларининг меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида маълумот олиш учун “Indorama” ишонч телефонининг йил давомида ишлашини таъминлаш; (iii) пахта теримчиларини пахта терими пайтидаги ҳуқуқлари бўйича ўқитиш дастурини давом эттириш; (iv) “Indorama”нинг муносиб меҳнат қилишга содиқлигини намойиш этиш; ва (v) “Indorama” пахта сотиб оладиган далаларда ишлайдиган мустақил фермерлар ва теримчилар раҳбарлари билан уларга афзалликлар тўғрисида маълумот бериш ва муносиб иш амалиётини қўллаб-қувватлашни ошириш мақсадида яқиндан ҳамкорлик қилиш. МГ ушбу тавсияларни “Indorama” билан муҳокама қилди ва “Indorama” навбатдаги пахта йиғим-теримида уларни ҳисобга олишга рози бўлди.

2021 йилда пахта йиғим-терими мониторинги:

Томонлар 2021 йилда пахта йиғим-терими даврида ҳамкорликни давом эттирдилар. Улар “PeaceNexus”нинг молиявий кўмаги билан мажбурий ва болалар меҳнатини, шунингдек “Indorama” кластеридаги (яъни “Indorama” пахта оладиган далалардаги) меҳнат шароитларини мониторинг қилишнинг самарали методологиясини ишлаб чиққан мутахассисни ёллашга келишиб олдилар. Эксперт пахта кластерларини мониторинг қилиш (келажақда бошқа кластерларни мониторинг қилиш учун ҳам фойдаланиш учун ишлаб чиқилган) методологиясини ишлаб чиқди ва МГга ўқитиш ва сифат назоратини таъминлаш, МГга мониторинг ҳисоботини тузишда ёрдам бериш ва якуний ҳисоботни ишлаб чиқишда ёрдам бериш орқали ГМни қўллаб-қувватлади. МГ 2021 йилнинг сентябрь — декабрь ойларида мониторинг ўтказиб, янги методологияни қўллади ва МГ тавсияларидан иборат бўлимни ўз ичига олган қўшма ҳисоботни тайёрлади. 2021 йилдаги мониторинг натижалари мониторинг қамраб олинган майдонларда тизимли мажбурий ва болалар меҳнати йўқлигини кўрсатди. Мониторинг натижаларида меҳнат шароитлари билан боғлиқ муаммолар, масалан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг кечикиши, транспортда ташиш ва пахта терувчилар учун шароитларнинг етарли эмаслиги, пахтани тортиш учун тарозидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланди. Бироқ томонлар мажбурий ва болалар меҳнати билан боғлиқ шикоятнинг асосий масалалари ҳал қилинганига келишиб олдилар ва 2022 йил 29 августда келишув битимини имзоладилар. Томонлар “Indorama” пахтани сотиб оладиган далаларда меҳнат шароитларини янада яхшилаш мақсадида ҳамкорликни давом эттиришга аҳдлашиб олдилар ва 2022 йил 29 августда қўшимча ҳамкорлик шартномасини имзоладилар. Медиация тугагандан сўнг CAO шартномаларнинг бажарилишини мониторинг қилишни бошлади.

2022 ва 2023 йилларда пахта йиғим-терими даврида меҳнат шароитлари мониторинги

Ҳамкорлик шартномасида Томонлар 2022 йилда (2022 йилнинг сентябрь — декабрь ойларида) пахта йиғим-терими пайтида масофадан туриб ва юзма-юз суҳбатларда сўров ва кабинет аралаш ва дала тадқиқотларини ўтказишга, шунингдек “Indorama”да қайта алоқа механизмини такомиллаштиришга келишиб олдилар.

Келишилган тадбирлар яқунлангандан сўнг, МГ келгуси пахта йиғим-терими мавсумига “Indorama” учун хулоса ва тавсияларни ўз ичига олган ҳисоботни тайёрлади. Улар 2023 йил бошида “Indorama” билан муҳокама қилинган. Ўшанда томонлар ҳамкорлик шартномасини 2023 йилда пахта йиғим-терими даврига узайтириш тўғрисида қарор қабул қилишди. 2023 йилда “Indorama” МГ томонидан 2022 йилги мониторинг ҳисоботида тақдим этилган тавсияларга қисман асосланган ҳолда компания билан такомиллаштирилган қайта алоқа механизмини ишлаб чиқди.



МГ аъзолари 2023 йилда пахта йиғим-терими мониторинги давомида далаларда пахта терувчилар билан суҳбатлашмоқда (Фотосурат: CAO).

Томонларнинг низоларни ҳал этиш жараёнидаги келишувлар муваффақиятларини ва ўша куни бўлиб ўтган келишувларнинг муваффақиятли бажарилиши шарафига CAO 2023 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда давра суҳбатини ўтказди. "Хусусий сектор ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик салоҳиятини очиш: Ўзбекистонда пахта далаларида меҳнат шароитларини яхшилаш" деб номланган тадбирда низоларни ҳал этиш жараёнида иштирок этган МГ, “Indorama” ва “Hamkorbank” вакиллари, шунингдек, фуқаролик жамияти, хусусий сектор, кўп томонлама ривожланиш банклари ва ҳукумат вакиллари иштирок этди.

Томонлар CAO жараёни ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашдилар ва низоларни ҳал қилишда фуқаролик жамияти ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти, шунингдек, нейтрал тарафлар ёки медиаторларнинг самарали музокараларга кўмаклашишдаги муҳим роли ҳақида суҳбатлашдилар. Томонлар мулоқот учун CAO

томонидан ташкил этилган нейтрал шароит туфайли пахта секторидаги тизимли муаммоларни ҳал қилиш учун бирлаша олганликларини гапириб беришди.

2023 йилда пахта йиғим-терими даври бўйича янгиланган Ҳамкорлик шартномаси қоидаларига мувофиқ МГ 2023 йилнинг сентябрь —декабрь ойларида мувофиқлаштирилган мониторинг тадбирларини ўтказиб, шундан сўнг навбатдаги пахта йиғим-терими мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида “Indorama” учун тавсияларни ўз ичига олган ҳисоботни тайёрлади. Иккала томон ҳам CAOга шартномаларнинг қоидалари уларнинг тасаввурларига мувофиқ бажарилганини тасдиқладилар. CAO томонларни якуний қўшма йиғилишга чақирди ва 2024 йилнинг май ойида ишнинг норасмий ёпилиш маросимини ўтказди.

Ушбу учрашув давомида МГ ва “Indorama” CAO жараёндан чиқиб кетганидан кейин пахта йиғим-терими билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни давом эттириш имкониятларини муҳокама қилдилар. “Indorama” компанияси МГга яқинда қабул қилинган ҳукумат қарорига биноан унинг фермерлар билан шартномавий муносабатларининг мазмунини ўзгаришини ва пахта йиғим-терими қандай ўтишини аниқ билмаслигини тушунтирди. Томонлар ушбу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликнинг эҳтимолдаги йўналишларини белгилаш учун алоқада бўлишга ва мулоқотни давом эттиришга келишиб олдилар.



CAO бош директори Жанин Ферретти 2023 йил сентябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган давра суҳбатида МГ аъзоларини таништирди (Фотосурат: CAO).

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР ВА ЖАРАЁНДАН ОЛИНГАН САБОҚЛАР Ҳуқуқ ҳимоячилари ва мониторингнинг хавфсизлиги билан боғлиқ ҳолат

CAO шикоятни баҳолаш пайтида ва низоларни ҳал қилиш жараёнида маълум даражада пахта етказиб бериш замиридаги меҳнат масалалари билан шуғуллангани ҳақида ҳуқуқ ҳимоячилари, шу жумладан МГ, уларнинг иши билан боғлиқ ҳолда ўзлари ёки оила аъзоларига таҳдид қилинганлиги ёки жисмоний таъвоуз қилинганлиги ҳақида хабар беришди. МГ атрофидаги хавфсизлик билан боғлиқ кескин вазият қўрқув ва беқарорлик муҳитини яратди ва CAOнинг медиацияга оид гуруҳига Томонлар ўртасидаги мулоқот ва музокараларни, айниқса жараённинг дастлабки босқичида самарали равишда осонлаштиришни қийинлаштирди. Хавфсизликка таҳдид ёки потенциал хавфсизликка таҳдидларнинг мавжудлиги Томонлар ва CAOнинг медиацияга оид гуруҳи ўртасида очиқ алоқа каналларини ўрнатишни ва ишончни кучайтиришни қийинлаштирди.

Мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, CAO жамоаси можарога нозик ёндашиб, МГ аъзоларини жараёндаги иштирокда ўзларини хавфсиз ва қулай ҳис қилишлари учун бир қатор эҳтиёт чораларини кўрди. CAO шунингдек МГнинг CAO жараёнида эркин ва хавфсиз иштирокини таъминлаш учун мамлакатдаги тегишли манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилди. ХМКнинг Тошкентдаги мамлакат ваколатхонаси CAO ва томонларни ушбу масалада қўллаб-қувватлашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Жараён бошида ХМК мамлакат идораси МГ аъзоларининг CAO жараёнида иштирок этишини тасдиқловчи расмий хатлар тайёрлаб, МГ аъзолари уларни CAO кўмагида ўтказиладиган йиғилишларга боришда ўзлари билан олиб юришлари керак эди. Ушбу чора МГ аъзоларига ҳибсга олинишдан қўрқмасдан эркин саёҳат қилишларига имкон берди. МГни унинг аъзолари родини "мониторлар" сифатида кўрсатадиган "Indorama"нинг расмий нишонлари билан таъминлаш яна бир муҳим чора бўлди. МГ аъзолари пахта майдонларида мониторингни ўтказишда ушбу нишонлардан фойдаланганиб, бу уларга ўз ишларини бажаришда қўшимча ҳимоя ва ваколатни таъминлади.

Ўзбекистонда сиёсий ва хавфсизлик билан боғлиқ вазият ривожланиб борар экан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилда БМТнинг Бош Ассамблеясида пахта далаларида мажбурий ва болалар меҳнатига қарши курашиш мажбуриятини олди ва бу МГга ўз вазифасини бажаришда ўзини анча хавфсиз ҳис қилиш имконини берди.⁹

Яқунда Томонлар ва CAOнинг медиаторларга оид гуруҳи низоларни ҳал қилиш жараёнида ҳамкорлик қилиш орқали мустаҳкам муносабатларни ўрнатишга муваффақ бўлишди.

COVID-19 пандемияси пайтида мулоқотга кўмаклашиш

2020 йилнинг март ойида COVID-19 пандемияси ишлаб чиқаришни ёпишни талаб қилганда

⁹ <https://president.uz/en/lists/view/1063>

CAO “Indorama” va MG ўртасида мулоқотни ташкил қилиб турган эди. CAO va Томонлар инсон саломатлиги учун ортиқча хавф туғдирмасдан ўзаро муносабатларни давом эттириш йўлини топишлари керак эди. Томонлар, айниқса Интернетга эркин кириш имконига эга бўлмаган Шикоятчилар учун онлайн учрашувларга мослашиш учун бироз вақт керак бўлди. Бироқ, CAO жамоаси мулоқотни виртуал ҳолатда давом эттиришга муваффақ бўлди. Томонлар ушбу қийин даврда бардошлик ва мослашувчанликни намоиш этдилар, бу эса уларнинг мулоқот жараёнига содиқлигидан далолат беради.

Пахта йиғим-терими мониторингини пандемия ҳолатига мослаштириш томонлар учун қўшимча муаммо бўлди. Томонлар турли ёндашувларни муҳокама қилдилар ва пахта терувчилар билан телефон орқали суҳбатлар ўтказишга келишиб олдилар. Бу MG учун қийин эди, чунки улар далаларда нима бўлаётганини кузата олмадилар, бу эса уларнинг мониторинг ишлари учун муҳим эди. Шунга қарамай, 2020 йилда улар телефон орқали 100 дан ортиқ интервью ўтказдилар ва керакли маълумотларни тўплادилар. 2021 йилда пахта йиғим-терими пайтида юзма-юз мониторинг қайта тикланди.

Кўп тилли ва кўп маданиятли муҳитда ишлаш

Медиация жараёни кўп тилли бўлиб, учта ишчи тилни ўз ичига олган, булар: ўзбек, рус ва инглиз тиллари. Қўшма учрашувлар давомида барча уччала тил бир вақтнинг ўзида ишлатилган. Бу эса оғзаки таржимада қийинчиликларни туғдирган. Шикоятчилар гуруҳида фақат рус тилида, баъзилари фақат ўзбек тилида сўзлашадиган одамлар бор эди, бир киши эса бошқа иккисидан фарқ қиладиган қорақалпоқ тилидан фойдаланганди. CAO жамоаси раво мулоқотни таъминлади ва профессионал таржимонлар ёрдамида томонлар ва Шикоятчилар гуруҳи ўртасидаги тил тўсиқларини бартараф этди. CAO жамоаси, шунингдек, ишончни мустаҳкамлаш ва жамоани жипслаштириш тадбирлари давомида томонларни новербал мулоқот усуллари билан таништирди.

Бундан ташқари, медиация иштирокчилари турли, жумладан, ўзбек, ҳинд ва рус маданиятлари вакиллари еди. Ҳар бир маданият вакиллари низоларни ҳал қилишнинг ўзига хос усулларини афзал кўришади, бу эса улар ўртасидаги қарама-қаршиликларга олиб келиши мумкин. CAO жамоаси иштирокчилар ўртасида мулоқот услублари, хушмуомалалик ва ҳис-туйғуларни ифодалаш бўйича турли маданий меъёрларни тушуниш ва қабул қилишга кўмаклашиш учун қўшимча ҳаракатлар қилди.

Жамият ва хусусий сектор ўртасидаги мулоқотдан ўзаро манфаат

“Indorama” va “Hamkorbank” CAOга берилган шикоятни қабул қилмаганига ва бу уларнинг экологик ва ижтимоий кўрсаткичларини адолатсиз акс эттирган деб ҳисоблаганига қарамай, улар аста-секин мулоқот жараёни уларга экологик ва ижтимоий тизимларини янада мустаҳкамлаш ва манфаатдор томонлар билан ишончли муносабатларни ўрнатиш имкониятини берди деган хулосага келишди.

CAO жараёни иккала компанияга экологик ва ижтимоий кўрсаткичларни яхшилаш учун фуқаролик жамияти билан конструктив ҳамкорлик муҳимлигини тушунишга ёрдам берди. Компанияларнинг хабар беришича, фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик, хусусан, мустақил мониторингни қўллаб-қувватлаш уларга далаларда нималар бўлаётганини ва энг муҳим муаммоларни қандай ҳал қилишларини яхшироқ тушунишга ёрдам берган. Улар МГ томонидан тайёрланган мониторинг ҳисоботларидан билиб олдилар ва ўз тизимларини такомиллаштириш бўйича тавсиялардан фойдаландилар.

Ўз навбатида, МГ компаниялар билан ҳамкорлик қанчалик фойдали эканлигини тан олди. CAO жараёнидан олдин уларнинг инсон ҳуқуқлари мониторинглари сифатидаги стратегияси инсон ҳуқуқлари фаолиятига қаратилган эди. Улар далада кўрганларини қоралашга ва пахта сектори билан шуғулланадиган ҳукумат ва хусусий компанияларни танқид қилувчи мақолалар нашр этишга мойил эдилар. CAOнинг низоларни ҳал қилиш жараёни орқали улар “Indorama” ва “Hamkorbank” компанияларида мавжуд бўлган мажбурий меҳнатга қарши тизимлар ҳақида кўпроқ билиб олдилар ва бу уларга ушбу компанияларни, шунингдек, мажбурий ва болалар меҳнатига қарши курашиш йўлида мавжуд бўлган қийинчиликлар ва имкониятларни яхшироқ тушунишга имкон берди. CAO доирасида низоларни ҳал қилиш жараёнида МГ ўз саъй-ҳаракатларини фақат муаммоларни кўрсатиш ўрнига Ўзбекистондаги вазиятни яхшилаш учун мумкин бўлган ечимларни биргаликда аниқлашга қаратди. Жараён якунида МГ аъзолари таъкидлаганидек, ўзларининг фикрига кўра, мулоқот ва ҳамкорлик орқали яхши натижаларга эришганлар.

Шикоятчилар гуруҳининг бирлашувига эришишнинг аҳамияти

CAOнинг жараёни давомида МГда айрим ички низолар пайдо бўлса-да, ушбу жараён инсон ҳуқуқлари мониторингларининг самарали ва жипслашган гуруҳини яратиш имконини берди.

МГга яқунда қўшилган инсон ҳуқуқлари мониторинглари жараён бошида бир-бири билан таниш эмас эди. Гарчи уларнинг барчаси пахта далаларида мажбурий ва болалар меҳнатини мониторинг қилиш ва бартараф этиш устида ишлаган бўлса-да, асосан ҳеч қачон бирга ишламаган. Улар нафақат турли минтақалардан бўлишган, балки мураккаб хавфсизлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, ҳамкорлик қилиш улар учун жуда хавфли эди. CAO низоларни ҳал қилиш жараёни уларни бирлаштирди ва биринчи марта гуруҳ сифатида биргаликда ишлаш имкониятини яратди. Жараённинг бошида CAO жамоаси МГ аъзоларининг гуруҳ бўлиб биргаликда ишлаш, бир-бирига ишониш ва ечим топишга эътибор қаратган ҳолда муаммолар ва фикрларни конструктив муҳокама қилиш имкониятларини оширишга вақтни сарфлади. CAO жамоаси бошқа томонлар билан мулоқот қилиш учун муҳим асос ҳисобланган гуруҳда ҳамжиҳатликка эришишга интилди.

CAO медиаторлари гуруҳининг доимий саъй-ҳаракатлари эвазига гуруҳда уйғунликка эришилди ва МГ аъзолари вазифаларни тақсимлаш, ҳужжатлар устида биргаликда ишлаш ва мураккаб масалаларни конструктив муҳокама қилиш орқали жамоа бўлиб ишлай

бошладилар. Уларнинг маълум қилишича, мазкур иш устида биргаликда ишлаш уларга мақсадни ҳис этишга ёрдам берган ва инсон ҳуқуқлари мониторингари сифатида ўз ишларини бажариш қобилиятини оширган. CAO жараёнидан ташқарида МГ аъзолари бошқа лойиҳаларда ҳамкорлик қилдилар. Улар CAO доирасидаги иш ёпилса ҳам бошқа мониторинг лойиҳаларида биргаликда ишлашни давом эттиришни исташади. МГ ўз гуруҳи учун логотип ишлаб чиқди ҳамда ўз кўникмалари ва ишини оммага тақдим этиш учун веб-сайт яратиш устида ишламоқда.

Ушбу ишдан дастлабки босқичда Шикоятчилар гуруҳининг бирдамлигини кучайтиришга, гарчи бу низоларни ҳал қилиш жараёнининг бошланишини кечиктирса ҳам, вақт сарфлаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида аниқ хулосага келиш мумкин. Бундай бирдамлик Томонларнинг келишувга эришиш имкониятларини оширишга ёрдам беради.



МГ аъзолари CAO медиаторлари билан Тошкентда (Фотосурат: CAO).

“Indorama” тажрибасидан олинган сабоқлар

“Indorama” компанияси CAO кўмагида низоларни ҳал қилиш жараёни орқали шикоятларни кўриб чиқиш механизмининг самарадорлигини таъминлаш, меҳнат ва бошқа соҳалар масалаларини ҳал қилиш учун фуқаролик жамияти ташкилотлари (ФЖТ) ва бошқа манфаатдор томонлар билан очиқ мулоқотни давом эттириш мақсадида уни мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришнинг муҳимлигини англаганини маълум қилди. “Indorama” шикоятларнинг пухта механизмини жорий этганини, манфаатдор томонларни жалб қилишнинг комплекс режасини ишлаб чиққанини ва ўз сиёсатини жаҳон амалиётига мослаштириш учун уни ўзининг веб-сайтида омма эътиборига тақдим этганини таъкидлади. “Indorama”, шунингдек, ишчиларнинг ҳуқуқларини, шу жумладан бирлашиш эркинлиги ва жамоавий музокараларни олиб бориш ҳуқуқларини мустақамлаш бўйича профилактик чоралар кўриш муҳимлигини англаганини баён қилди.

“Indorama” компанияси инновацион ва регенератив қишлоқ хўжалиги, ҳосилнинг механизациялашган йиғим-терими, атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ҳамда ижтимоий ва бошқарув стандартларини доимий равишда такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигини юритишнинг барқарор усулларни тарғиб қилиш бўйича ўз мажбуриятлари устида ишлашни давом эттиришини билдирди. “Indorama” ҳамон ўз фаолиятининг ҳар бир соҳасига экологик, ижтимоий ва бошқарув амалиётларини жорий этиш орқали барқарор ривожланиш стандартларини оширишга интилиб келмоқда.

ХУЛОСА

CAO сиёсатига мувофиқ, CAO низоларни ҳал қилиш жараёнини яқунлади ва 2024 йилнинг май ойида ишни ёпди. CAO жараёни ҳақидаги батафсил маълумот А иловада келтирилган. Ушбу иш билан боғлиқ барча ҳужжатлар CAO веб-сайтида мавжуд.

А ИЛОВА. CAOда ШИКОЯТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИ

CAO шикоятни кўриб чиқиш учун мақбул деб топгандан сўнг, CAOнинг низоларни ҳал қилиш бўйича мутахассислари дастлабки баҳолашни ўтказадилар. CAO баҳолашининг мақсади

қўйидагилар: (1) Шикоятчилар томонидан кўтарилган масалалар ва муаммоларга аниқлик киритиш; (2) бошқа манфаатдор томонлар вазиятни қандай кўришлари ҳақида маълумот тўплаш; ва (3) манфаатдор томонларга улар учун очиқ бўлган ҳуқуқий ҳимоя вариантларини тушунишда ва улар CAO хизмати ёрдамида низоларни ҳал қилиш бўйича биргаликда ечимни излашни хоҳлашларини ёки иш CAOнинг талабларга риоя қилинишини таъминлаш томонидан кўриб чиқилиши кераклигини аниқлашда ёрдам бериш.

Мустақил ҳисобдорлик механизми сиёсатига¹⁰ (CAO) кўра, ХМК/MIGA (Капитал қўйилмаларини кафолатлаш агентлиги) томонидан одатда келиб тушган шикоятга жавобан қўйидаги тадбирлар ўтказилади:

1-қадам: **Шикоят олинганини тасдиқлаш.**

2-қадам: **Мақбуллик:** шикоятнинг CAO мандатига мувофиқ баҳолаш мезонларига мувофиқлигини аниқлаш (15 иш кунидан кўп эмас).

3-қадам: **Баҳолаш:** Муаммоларни баҳолаш ва манфаатдор томонларни улар CAO низоларни ҳал этиш бўлими томонидан ташкил этилган ҳамкорликдаги жараёнда келишилган қарорни исташи ёки истамаслигини, ёки иш CAO талабларига риоя этилишини таъминлаш бўлими томонидан ХМК/MIGAни экологик ва ижтимоий экспертизадан ўтказиш учун кераклигини тушуниш ва аниқлашда қўллаб-қувватлаш. Баҳолаш муддати яна максимум 30 иш кунига узайтириш имконияти билан максимал 90 иш кунни бўлиши мумкин, агар 90 иш кунидан сўнг(1) томонлар шикоятни ҳам этиш мумкинлигини тасдиқласалар; ёки (2) томонлардан бири низони ҳал қилишдан манфаатдор эканлигини билдирса, ва бошқа томон рози бўлиш эҳтимоли бўлса.

4-қадам: **Тартибга солишга ёрдам бериш:** Тартибга солишга ёрдам бериш: агар Томонлар ҳамкорлик жараёнига қўшилишга қарор қилсалар, у ҳолда CAO низоларни ҳал қилиш бўлими ишга киришади. Низоларни ҳал қилиш жараёни одатда томонлар ўртасидаги ўзаро англашув меморандуми ва/ёки ўзаро келишилган қоидаларга асосланади ёки уларнинг ташаббуси билан амалга оширилади. Бунга фасилитация/медиация, фактларни биргаликда аниқлаш ёки келишув шартномасини тузишга ёки бошқа ўзаро келишилган ва тегишли мақсадларга эришишга олиб келадиган бошқа келишилган келишув ёндашувлари кириши мумкин. Бундай муаммоларни ҳал қилишга ёндашувларнинг асосий мақсади шикоятда кўтарилган масалаларни ва баҳолаш ёки низоларни ҳал қилиш жараёнида аниқланган шикоят билан боғлиқ бошқа муҳим масалаларни томонлар учун мақбул тарзда ҳал қилишдан иборат бўлади.¹¹

¹⁰ CAOнинг роли ва иши ҳақида кўпроқ маълумотни ХМК/MIGAнинг Мустақил ҳисобдорлик механизми (CAO) сиёсатининг тўлиқ матнида топишингиз мумкин: <https://documents1.worldbank.org/curated/en/889191625065397617/pdf/IFC-MIGA-Independent-Accountability-Mechanism-CAO-Policy.pdf>

¹¹ Агар манфаатдор томонлар келишилган муддат ичида қўшма жараён доирасида масалаларни ҳал қила олмасалар, CAO низоларни ҳал қилиш бўлими биринчи навбатда манфаатдор томонларга қийин

ЁКИ

Мувофиқликни баҳолаш/тергов: Мувофиқликни баҳолаш/тергов: Агар томонлар тергов жараёнини танласалар, шикоят CAO талабларга риоя этилишни таъминлаш бўлимига юборилади. Агар низоларни ҳал қилиш жараёни қисман ёки тўлиқ келишувга олиб келмаса, шикоят талабларга риоя этилишни таъминлаш бўлимига ҳам юборилади. Иштирокчилардан камида биттаси шикоятни етказишга аниқ розилик бериши керак, CAO таҳдид ва репрессиялардан хабардор бўлган ҳоллар бундан мустасно. CAO талабларга риоя этишни таъминлаш бўлими ХМК/MIGA томонидан экологик ва ижтимоий сиёсатга риоя этилишини текширади, етказилган зарарни баҳолайди ва, агар керак бўлса, уч босқичли жараёнга мувофиқ вазиятни тўғрилаш чораларини тавсия қилади. Дастлаб мувофиқликни баҳолаш амалга оширилиб, унинг давомида қўшимча терговни ўтказиш зарурати аниқланади. Баҳолаш 45 иш кунигача давом этиши мумкин, истисно ҳолларда 20 иш кунига узайтириш имконияти мавжуд. Иккинчидан, агар тергов асосли бўлса, баҳолашдан кейин ХМК/MIGA фаолиятининг талабларга мувофиқлиги чуқур текширилади. Текширув ҳисоботи ХМК/MIGAнинг жавоби ва аниқланган номувофиқликлар ва тегишли зарарларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаси билан биргаликда оммага эълон қилинади. Учинчидан, номувофиқликлар ва тегишли зарар аниқланган ҳолатларда CAO ҳаракатлар режасининг самарали бажарилишини назорат қилади.

5-қадам: **Мониторинг ва кейинги назорат**

6-қадам: **Яқуний қисм/ишни ёпиш**

вазият(лар)дан чиқишга ёрдам беришга ҳаракат қилади. Агар бунинг иложи бўлмаса, низоларни ҳал қилиш гуруҳи манфаатдор томонларга, шу жумладан ХМК/MIGA ходимларига, Жаҳон банки гуруҳининг Президенти ва Директорлар кенгашига, шунингдек жамоатчиликка CAO низоларни ҳал қилиш бўлими низоларни ҳал қилиш жараёнини яқунлагани ва уни CAO талабларга риоя этишни таъминлаш бўлимига экспертиза ўтказиш учун тақдим этганлиги тўғрисида хабар беради.

Б илова: Малоҳат Эшонкулованинг нуқтаи назари

Малоҳат – ҳуқуқ ҳимоячиларидан бири, у ўз исмини баҳолаш жараёнида шикоятга қўшган. Аввалига у низонинг ҳал этилишига қизиқиш кўрсатмаган. Кейинчалик у қисқа вақтга МГга қўшилди. 2019 йил у МГдан кетди ҳамда Дмитрий ва Азимбой билан бирга парчаланган гуруҳга қўшилиб, бу гуруҳ МГдан алоҳида равишда низоларни ҳал қилиш жараёнига қўшилишга қизиқиш билдирди. Бироқ Малоҳат ва Дмитрий муҳожирликда яшашган. Охири-оқибат Дмитрий жараённи тарк этди, Малоҳат эса унда бошқа устувор мақсадлар юзага келганини билдирди.

CAO ва Малоҳат ўртасидаги суҳбат мобайнида Малоҳат 2019 йил Ўзбекистондан кетгунига қадар кўп вақтини пахта далаларида ўтказгани, шу сабаб вазиятни жуда яхши билишини сўзлаб берди. У МГ мажбурий ва болалар меҳнатига оид муаммолар "Indorama" пахта оладиган далаларда ўз ечимини топган, деб ҳисоблашини Малоҳат билса-да, бу муаммо ҳали ҳам йўқ бўлиб кетмагани ва яширилаётгани тўғрисида фикр билдирди.

Бу фикрлар айнан "Indorama"га нисбатан эмас, балки умумий миқёсда айтилди. Малоҳатнинг сўзларига кўра, Ўзбекистондаги умумий вазият шундайки, мажбурий меҳнат қишлоқ хўжалигининг ажралмас қисмига айланган. Унинг яна қўшимча қилишича, ўзи муҳожирликда бўлса-да, Ўзбекистонда қариндошлари ва дўстлари бор, уларнинг Малоҳатга хабар беришига кўра, вазият ўзгармаган. Малоҳатнинг фикрича, мажбурий меҳнатни ликвидация қилишдаги тўсиқ ресурсларнинг етишмаслиги сабаблидир, зотан, пахтани ўз вақтида териб олиш керак, шу сабабли мажбурий меҳнатни қўллашдан бошқа йўл йўқ. Малоҳат CAO келтирган вариантлар муаммони ечишга ёрдам беради, деб ҳисобламаслигини билдирди. Унинг фикрича, ҳукумат худди олдингидек тизимни назорат қилади, мажбурий меҳнат эса тизимли муаммо ҳисобланади, шунинг учун "Indorama" билан мулоқот фойда келтирмайди. Бундан ташқари, ҳукумат даражасида тизимли ўзгаришлар керак, CAOнинг талабларга риоя қилиш билан боғлиқ текширишлар бўйича жараён аҳамиятга молик эмас.